

**“КЕЛИШИЛДИ”**

СамДАҚИ ректори

\_\_\_\_\_ С.И. Ахмедов

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Қурилиш вазири

\_\_\_\_\_ А. Х. Тўхтаев

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти  
Ўзбекистон бадиий академияси  
Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси  
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгаши  
Самарқанд вилоят ҳунармандлар уюшмаси  
Самарқанд вилоят касаба уюшмаси**

**“ЯНГИ АСР ИСТЕЪДОДЛАРИ-2019”**

республика кўрик-танловини ўтказиш

**НИЗОМИ**

Самарқанд-2019

## **I. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

“Янги аср истеъдодлари-2019” республика кўрик-танловининг асосий мақсади малакали, рақобатбардош, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, ўзи танлаган таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича мукамал билимга эга бўлган, геахборот тизимини қўллаб замонавий архитектуравий лойиҳаларни, муҳандислик лойиҳа ва ишланмаларни ҳамда инновацион қурилиш технологияларни яратишга қодир ва юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, миллий санъатимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маданий меъросини асраб-авайлаш, бугунги салоҳияти, ёш ижодкорларни тарбиялашда юксак маданият, эркин фикрлаш тафаккурини юксалтириш, шу билан бирга “Устоз-шогирд” аъъанасини кенг миқёсда ривожлантириш орқали ёш ижодкорларни ижодий билимини кенгайтириш ҳамда ижодий фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантиришдан иборат.

## **II. Кўрик-танловини ташкил этиш**

“Янги аср истеъдодлари-2019” республика кўрик-танловининг (кейинги ўринларда кўрик танлов деб юритилади) асосий ташкилотчиси ва ўтказиладиган жойи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳисобланади. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон бадиий академияси, Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Самарқанд вилоят Кенгаши, Самарқанд вилоят ҳунармандлар уюшмаси ва Самарқанд вилоят касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилади.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва иштирокчиларни рўйхатга олиш тартиби:

1. Кўрик-танловни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг рухсати билан амалга оширилади.
2. Кўрик-танловнинг республика босқичи мунтазам равишда ҳар йили Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказилади.
3. Кўрик-танловда иштирок этадиган архитектура ва қурилиш соҳасига кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассаларининг талабалари ўз институтларида саралаш босқичидан ўтадилар.
4. Кўрик-танлов иштирокчилари берилган муддат ичида сўровнома (анкета) тўлдириш орқали рўйхатга олинадилар.
5. Бошқа ҳудуд институтларидан иштирок этувчилар сайтда берилган сўровнома (анкета)дан фойдаланадилар ва ўз анкеталарини кўрсатилган интернет манзили орқали белгиланган муддатда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига тақдим этадилар.
6. Кўрик-танловда иштирок этадиган архитектура ва қурилиш соҳасига кадрлар тайёрлайдиган институтлар ўз иштирокчиларининг рўйхатини институтга факс ёки бошқа электрон манзил орқали ахборот хатида белгиланган муддат ичида тақдим этишлари лозим:

7. Кўрсатилган муддатдан кечикиб тақдим этилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ишлар кўрик-танловга қўйилмайди.

### **III. Кўрик-танловни ўтказиш жойи ва муддати**

Кўрик-танлов ҳар йили май ойининг охирига ҳафтасида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказилади.

### **IV. Кўрик-танловнинг иштирокчилари**

Архитектура ва қурилиш соҳасига кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларидан иштирок этадиган бакалавр ҳамда магистр талабалар ўртасида бўлиб ўтади.

### **V. Кўрик-танлов номинациялари**

Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. Энг яхши тасвирий санъат (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ) ва ўймакорлик;
2. Энг яхши архитектуравий инновацион лойиҳа ва макет;
3. Энг яхши меъморий таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳаси;
4. Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни;
5. Энг яхши инновацион муҳандислик коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари;
6. Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари;
7. Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа;
8. Энг яхши зилзилабардош бинолар ва конструкциялар;
9. Энг яхши инновацион энергосамарадор лойиҳалар ва ишланмалар;
10. Энг яхши “Геоинновация” лойиҳаси ва ишланмаси;

Келгусида талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, номинацияларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **VI. Кўрик-танловда иштирок этиш тартиби**

1. Кўрик танлов иштирокчиси ўз иштирокини маълум қилиш мақсадида махсус сўровномани тўлдириши ва рўйхатдан ўтган бўлиши шарт (*1-илова*).

2. Номинациялар бўйича иштирокчилар (муаллифларнинг услуби ва йўналишини аниқлаш мақсадида ) тегишли ўқув йилида бажарилган ҳамда бошқа бирор-бир кўрик-танловда иштирок этмаган 5 тагача ишлари билан қатнашиши мумкин. Институтда тузилган Эксперт гуруҳи аъзолари ижодий ишларни саралашни ўз зиммасига олади.

3. Кўрсатилган муддатдан кечикиб тақдим этилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ишлар кўрик-танловга қўйилмайди.

## **VII. Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар учун талаблар**

- кўрик танловга тавсия этиладиган ишларда долзарблилик, инновацион ғоя, ечим ва тугалланганлик ўз аксини топиши лозим.

- сўровнома ва кўрик танловга тавсия этиладиган ишлар ишларнинг қоғоз нусхаси ва электрон (PDF, jpg, фотонусхалар ҳ.к.) версияси СамДАҚИга жўнатилиши талаб этилади. Мурожаат учун телефонлар: (91)548-58-85, факс (66) 237-26-30. Кўрик-танловда иштирок этиш учун сўровнома ва ишларни қабул қилишнинг охириги муддати ва почта номи ахборот хатида белгиланади.

- барча янгиликларни институтнинг [www.samgasi.uz](http://www.samgasi.uz) сайтининг эълонлар ва институт янгиликлари (26-28.05.2018 й.) рукнларидан билиб олишингиз мумкин.

- тадбирда иштирок этувчилар сони чекланмаган.

- кўрик танловга тавсия этиладиган ишлар номи кўштирноқ ичида бош ҳарф билан ёзилиши, ўлчами, мато, бажарилган йили, муаллифнинг исми, фамилияси, таълим муассасаси номи кўрсатилиши лозим.

- номинациялар иштирокчилари ўз битирув малакавий ишлари, диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари билан қатнашишлари мумкин эмас.

- кўрик танловга тавсия этиладиган ишлар ўртасида рақобат вужудга келганда танлов Ҳайъат комиссияси томонидан ғолиблар ўртасида ўзаро “Маҳорат беллашуви” ўтказилиши кўзда тутилган.

## **VIII. Кўрик танловнинг баҳолаш тартиби**

Комиссия таркиби холисоналик ва шаффофлик асосида кўрик-танловда иштирок этмайдиган тегишли соҳа мутахассисларидан ҳар бир номинация бўйича алоҳида 3 ёки 5 нафар таркибда тайинланади. Ҳар бир номинация бўйича ғолиблар иловада келтирилган мос баҳолаш меъзонлари асосида аниқланади.

## **IX. Кўрик-танловни молиялаштириш**

Мазкур кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф харажатлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтнинг бюджетдан ташқари, институт ходимлар ва талабалар бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **X. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш**

Кўрик-танловнинг якуний босқичида барча ишланмалар Ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади ва кўрик танлов ўринлари аниқланади. Тақдирлаш маросими институтнинг фаоллар

залида бўлиб ўтади. Тақдирлаш маросимида институт маъмурияти, тадбир меҳмонлари ва кўрик-танлов иштирокчилари, иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этадилар.

Кўрик-танлов ғолибларининг ишларини баҳолаш натижасига кўра биринчи ўрин 1 та I даражали, иккинчи ўрин 2 та II даражали ва учинчи ўрин 3 та III даражали вазирлик даражасидаги диплом ва фаол иштироки учун ОТМ даражасидаги ташаккурнома билан тақдирланади.

Энг яхши ишнинг муаллифлари институт ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

### **XI. Кўрик-танловни ёритилиши**

Кўрик-танлов республика оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиода кенг ёрилади. Кўрик-танловда қатнашган талабалар ва магистрлар ижодий ишларининг долзарблиги, макет ва лойиҳанинг янгилиги, муҳандислик лойиҳа ва ишланманинг илмийлиги ва самарадорлиги, бизнес лойиҳанинг долзарблиги ва замонавийлиги, муаллиф дунёқарашининг кенглиги, моҳирлиги ва мукамаллиги, инновацион ғояларнинг қўлланилганлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ёрилади.

**«Янги аср истеъдодлари»**  
республика кўрик-танловини ўтказиш  
Низомига 1-илова

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтадиган олий таълим муассасаларининг ёш иқтидорли талабалари ва магистрлари ўртасидаги «Янги аср истеъдодлари» республика кўрик-танловида иштирок этиш учун  
СЎРОВНОМА

<b>Иштирокчининг фамилияси, исми, шарифи</b> (тўлиқ)				
<b>Илмий раҳбари</b> (агар бўлса)				
<b>Ўқиш жойи</b> (иштирокчи таълим олаётган ОТМ, факультет, кафедра, йўналиш ва курси)				
<b>Почта манзили</b>	<b>Индекс</b>	<b>Вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй</b>		
<b>ОТМ</b> (факультет, кафедра) <b>телефон рақами</b>	<b>Факс</b>	<b>Шахсий телефон рақам</b>	<b>E.mail</b>	
<b>Номинациянинг номи</b>				
<b>Ижодий ишнинг номи ва шакли</b> (Тасвирий ва амалий санъат номинацияси учун 3 тагача ижодий иш номи кўрсатилсин)				

- Изоҳ:** 1. Фақат барча бандлари тўғри ва белгиланган тартибда тўлдирилган аризалар кўриб чиқилади  
2. Кўрик танловга иштирок этмоқчи бўлган талабалар саволнома билан бирга паспорт ва рейтинг дафтарчаси нусхаларини юборишлари шарт

“Янги аср истеъдодлари” республика кўрик-танловида иштирокчилар яратган санъат асарларини  
ва қобилиятини баҳолашда рейтинг тизими асосида баллар орқали тасдиқланган

**БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**Энг яхши амалий санъат асари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик)**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	55 балл
2	Шакл	15 балл
3	Бадийлиги	15 балл
4	Асарнинг ишланганлиги учун	15 балл
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 балл</b>

**Энг яхши архитектуравий инновацион лойиҳа ва макет**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	55 балл
2	Ғояси учун	25 балл
3	Композиция ва материалдан унумли фойдалангани учун	10 балл
4	График ишлаш маҳорати учун	10 балл
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 балл</b>

**Энг яхши меъморий таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳаси**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	55 балл
2	Ғояси учун	25 балл
3	Материалдан фойдаланиш	10 балл
4	Ранглардан самарали фойдаланиш	10 балл
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 балл</b>

**Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	55 балл
2	Ғояси учун	25 балл
3	Композиция ва материалдан фойдаланиш	10 балл
4	График ишлаш маҳорати ва рангдан фойдаланиш	10 балл
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 балл</b>

**Энг яхши инновацион муҳандислик коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	48 балл
2	Илмий ғояси учун	22 балл
3	Макет ёки ишланма учун	15 балл
4	Бугунги кундаги самарадорлиги	15 балл
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 балл</b>

**Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	48 балл
2	Илмийлиги ва и/ч тадбиқ имкониятлари учун	22 балл
3	Замонавийлиги (янги қурилиш материалларидан фойдаланилганлиги)	15 балл
4	Сифатлилиги ва рақобатлилиги	15 балл
	ЖАМИ	100 балл

**Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Ишни долзарблиги ва яқунланганлиги	55 балл
2	График қисмида мавзуни ёритилганлик даражаси	15 балл
3	Замонавийлиги ва инновацион ғояларни қўлланилганлик даражаси	15 балл
4	Ишда иқтисодий самарадорликнинг аниқланганлиги	15 балл
	ЖАМИ	100 балл

**Энг яхши зилзилабардош бинолар ва конструкциялар**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	50 балл
2	Ақтуаллиги ва самарадорлиги	15 балл
3	Илмий аҳамияти	15 балл
4	Амалий аҳамияти	20 балл
	ЖАМИ	100 балл

**Энг яхши инновацион энергосамарадор лойиҳалар ва ишланмалар**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Ишланманинг яқунланганлиги ва қўлланилиш соҳаси қамровининг кенглиги	55 балл
2	Ишланманинг илмий аҳамияти	15 балл
3	Ишланманинг амалий аҳамияти	15 балл
4	Ғоянинг ноёблиги	15 балл
	ЖАМИ	100 балл

**Энг яхши “Геоинновация” лойиҳаси ва ишланмаси**

Т/р	Баҳолаш тартиби (ҳолатлари)	Баҳолаш баллари, максимал
1	Танловга қўйилган иши (тугалланган иш)	30 балл
2	Илмий янгилиги ва амалий аҳамияти	25 балл
3	Ишнинг иқтисодий самарадорлиги ва қўлланиш соҳалари	30 балл
4	Ишда геоахборот технологияларининг қўлланиши	15 балл
	ЖАМИ	100 балл